



**ТАСДИҚЛАЙМАН**

«Ўзбектелеком» АК

бош директорининг истиқболли  
ривожлантириш ва инновациялар  
бўйича ўринбосари

А.Арифджанов

2022 йил « 28 » июль

**«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш бўйича ўтказилган давра суҳбати**

**БАЁНИ** ХТ/14-21

2022 йил 28 июль

Тошкент шаҳар

**РАИСЛИК ҚИЛУВЧИ:**

«Ўзбектелеком» АК бош директорининг истиқболли ривожлантириш ва инновациялар бўйича ўринбосари А.Арифджанов

**ҚАТНАШДИЛАР:**

Компания ижроия аппарати ва таркибидаги филиаллар ходимлари

**Кун тартиби:**

**Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сон Қонуни моҳияти бўйича компания ишчи-ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўналишида давра суҳбати**

2022 йилнинг 28 июль куни «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастури доирасида Компания ижроия аппарати бошқарма, хизмат ва бўлим ҳамда филиаллар ходимлари иштирокида навбатдаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан, сўзга чиққан «Ўзбектелеком» АК Юридик бошқармаси бошлиғи Б.Жураев томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги ЎРҚ-764-сон Қонуни қабул қилинганлиги ва жорий йилнинг 17 июлдан кучга кирганлиги муносабати билан мазкур Қонун моҳияти бўйича йиғилиш қатнашчиларига ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Мазкур қонун давлат ташкилотларининг киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида ваколатли давлат органидан кибертаҳдидлар, дастурий таъминотдаги, усқуналар ва технологиялардаги заифликлар тўғрисидаги ахборотни олиш ҳуқуқини қафолатлайди.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ҳамда ресурсларига тегишли маълумотларнинг сақланишини таъминлаш маълумотларнинг

захира нусхаларини яратиш йўли билан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, унга кўра уларнинг сақланиш муддати охириги 3 ойдан кам бўлмаслиги лозим.

Қонунда ахборот тизимларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби белгиланган. Экспертиза ўтказиш тартиби ваколатли давлат органи томонидан белгиланади. Хусусан, экспертиза мажбурий тартибда ёки киберхавфсизлик субъектларининг ташаббусига кўра амалга оширилиши мумкин. Қонунга кўра, қуйидагилар киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши лозим:


давлат органларининг ахборот ресурслари;

давлат органларининг ахборот тизимлари;

муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари тоифасига киритилган ахборот тизимлари.

Ўз навбатида, киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалар мажбурий тартибда сертификатлаштирилиши лозим.

Шу ўринда, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК томонидан олинган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2021 йил якуни бўйича “.uz” миллий интернет сегментида 100 015 та домен рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 38 мингтаси фаол ҳисобланди. Фаол доменларнинг фақат 14 мингтасида хавфсизлик сертификати мавжуд.



Марказ томонидан 2021 йилда миллий сегментдан 17 миллиондан ортиқ зарарли ва шубҳали тармоқ фаолликлар бўйича ҳолатлар аниқланган. Ушбу фаолликларнинг кўпгина қисми, яъни 76 фоизи бот-тармоқ иштирокчиларидан иборат.

Шунингдек, марказнинг веб-иловаларни ҳимоя қилиш тизими ёрдамида интернет тармоғининг миллий сегментидаги веб-сайтларга қилинган 1,3 миллиондан ортиқ киберҳужумлар аниқланган ва бартараф этилган.

Энг кўп киберҳужум Ўзбекистон, Россия, Германия, Буюк Британия ва АҚШ ҳудудидан амалга оширилган.



**Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича марказ қуйидаги тавсияларни берган:**

1. Лицензия ва сертификатга эга операцион тизимлар ва дастурлардан фойдаланиш.

2. Амалдаги операцион тизимлар, дастурий таъминот ва хавфсизлик компонентларининг сўнгги версияларини мунтазам янгилаб туриш.

3. Келгусида зарарли дастурларни кидириш, ўчириб ташлаш ва улардан ҳимоя қилиш функцияларига эга хавфсизлик плагинларидан фойдаланиш.

4. Мунтазам равишда маълумотлар базалари, файллар, почта ва ҳоказоларни захиралаш.

5. Фойдаланилмаётган плагинларни ўчириб ташлаш.

6. Пароль асосидаги аутентификациясини кучайтириш – маъмур akkaунти, хизмат кўрсатувчи провайдернинг веб-сайтидаги шахсий кабинети ва сервердаги ҳисобга олиш ёзувлари (аккаунт) учун мураккаб ва такрорланмайдиган паролдан фойдаланиш тавсия этилади. Паролни ўзгартирганда, ҳисобга олиш ёзувлари (аккаунт) учун катта ва кичик ҳарфлар, рақамлар, махсус белгилар ва минимал узунлиги 8 белгидан иборат паролларни яратиш қоидаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Икки босқичли аутентификацияни созлаш тавсия этилади (ушбу имконият мавжуд бўлган ҳолатларда). Шунингдек, киришга уринишлар сонига чеклов қўйиш.

7. Ахборот тизимига ёки веб-сайтларга киришда, янгиланган вирус базаларига эга антивирус дастурлари ўрнатилган қурилмалардан (компьютерлар, планшетлар) фойдаланиш.

8. Ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизаларни ўтказиш.

9. Фойдаланувчилар (ҳодимлар)нинг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги малакаси ва билим даражасини мунтазам ошириб бориш ва бошқалар.

Қонунга мувофиқ, ахборот тизимлари ва ресурсларида аниқланган заифлик, кибертахдид, киберҳужумлар ва бошқа бузғунчилик ҳаракатлари тўғрисидаги, шунингдек, ахборотлаштириш объектлари юзасидан ахборот уларни ҳимоя қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилганидан кейин киберхавфсизлик субъектининг рухсати билан ошқор қилиниши мумкин.

Йиғилиш давомида йиғилишда кўтарилган мавзу бўйича қатнашчилар томонидан берилган саволларга Б.Жураев ва Компания хавфсизлик бошқармаси мутахассислари томонидан батафсил маълумот берилиб, иштирокчилар мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Қўшимча тарзда, йиғилиш қатнашчилари томонидан ҳуқуқий саводхонликни ошириш йўналишида шу каби давра суҳбатлари ташкиллаштирилиши уларнинг маълум бир соҳада билим савиясининг оширилишида ижобий омил бўлишини ҳам маълум қилиб ўтишди.

Баённома тузувчи



Ш. Наркулов

